



ITALY



ITALY

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЎРНИ

**Қушбоқов Шохрух Хасан ўғли**

ИИБ Академияси Маъмурий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси, капитан

**Самадов Муҳаммадали Фурқатович**

ИИБ Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10373871>

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жинойтчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 26-мартдаги ПФ-6196-сон Фармонида асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятига унинг самарадорлигини ошириш ва ортиқча хизмат юкласини қисқартиришга йўналтирилган замонавий ахборот технологиялари татбиқ этилади. Унга кўра “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жинойтчиликка қарши курашишнинг асосий қуйи бўғини ҳисобланади, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жинойтчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланади”<sup>1</sup>

Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида давлат бошқаруви органлари ва бошқа барча тармоқ соҳалари тизимда замонавий ахбороткоммуникация технологияларини жорий этиш, вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграциялашуви, унинг узлуксиз ишлаши, ахборот хавфсизлиги таъминланиши, рақамлаштириш орқали халқимизга қулайликлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб

<sup>1</sup> Джалилов Н. Профилактика инспектори маъмурий иш юритиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари // Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 12/S. – С. 348-352.



ITALY

# SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM

International scientific-online conference



ITALY

келинмоқда. “Иш юритиш” тушунчасига изоҳ берадиган бўлсак, ушбу атама турли идоралар, муассасаларда ҳужжатлар айланишини таъминлаш (мажлисларнинг стенограммалари ва баённомаларининг, қабул қилинган қарорлар ва буйруқларнинг нусхаларини кўпайтириш ва сақлаш; хат-хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш, хат-хабарларни жўнатиш ва ҳ.к.) билан боғлиқ фаолият тури ҳисобланади<sup>2</sup>.

“Иш юритиш” деган атама русча “делопроизводство” сузидан таржима килиниб, тилимизга олиб кирилган. Вахолонки, маълум булишича, тарихимизда сарой ва умуман йирик маҳкамаларда ёзув ишларини олиб боровчилар “мунший” (арабча) дейилган. Атоқли ёзувчимиз Абдулла Кодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидаги қуйидаги сатрларни эсланг: “Анвар девонхона сахнига етганда, ичкаридаги каттадан-кичик, мирзо, муншийлар янги бошлиқларини муборакбод қилгани ўринларидан кўзгалдилар”. Демак, русчадан таржима килинган “иш юритувчи” атамасининг муқобили сифатида “мунший” сузига ўзакдош ва маънодош бўлган ҳамда ўтмишда боболаримиз тилида ишлатилган “муншаот” сўзини тавсия этиш мумкинлиги келтирилган<sup>3</sup>.

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини борасида ўтган 2022 йил давомида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинганда, вояга етмаганлар орасида назоратсизликнинг олдини олиш мақсадида, жамоат жойларида қаровсиз қолган 100065 нафар бола аниқланиб, уларнинг 28014 нафари ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштирилди, ота-она қарамоғисиз қолган 207 нафарига васий ва ҳомийлар тайинланди. “Хавфсиз таълим муассасаси” тамойили асосида инспектор психологлар томонидан 89098 нафар тарбияси оғир болалар билан 135374 мартаба профилактик ишлар олиб борилди, уларнинг хонадонларига 133208 мартаба борилиб, фарзандининг тарбиясига эътиборсизлик қилган 77752 нафар ота-оналарга маъмурий чоралар кўрилди<sup>4</sup>

Бундан ташқари, ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда МЖТКнинг 272-моддасига биноан фуқароларнинг тенглиги асосида яъни фуқароларнинг

<sup>2</sup> Янгибаев А. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни электрон шаклда юритиш тушунчаси ва ҳуқуқий асослари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 123-127.

<sup>3</sup> М.Аминов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов, Н.Маҳмудов. Иш юритиш. Амалий қўлланма 2- нашри. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашри, 2000, 2003 – Т. – Б.14 (Б.446)

<sup>4</sup> Янгибаев А. К. Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни юритиш тартиби //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 24-28.



жинси, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеи, ирқи, миллати, тили, дини ва эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида ва шу ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) олдида тенглиги асосида кўриб чиқилмоқда.

Хусусан, фуқаролар тенгилигига амал қирилган ҳолда 2023 йил Андижон вилоятида 14 334 та ҳуқуқбузарлик ишларидан 14 475 та шахс, Бухоро вилоятида 9 457 та ҳуқуқбузарлик ишларидан 13 128 та шахс, Жиззах вилоятида 6 527 та ҳуқуқбузарлик ишларидан 7 760 та шахс, Қашқадарё вилоятида 12 850 та ҳуқуқбузарлик ишларидан 18 459 та шахс, Қорақалпоғистон Республикасида 6 520 та ҳуқуқбузарлик ишларидан 7 167 та шахс, Наманган вилоятида 13 217 та ҳуқуқбузарлик ишларидан 16 825 та шахс, Самарқанд вилоятида 13 791 та ҳуқуқбузарлик ишларидан 18 393 та шахс, Сирдарё вилоятида 7 214 та ҳуқуқбузарлик ишларидан 9 031 та шахс, Сурхондарё вилоятида 9 996 та ҳуқуқбузарлик ишларидан 13 809 та шахс, Тошкент вилоятида 18 772 та ҳуқуқбузарлик ишларидан 27 029 та шахс, Тошкент шаҳарда 21 771 та ҳуқуқбузарлик ишларидан 24 720 та шахс, Фарғона вилоятида 17 035 та ҳуқуқбузарлик ишларидан 22 593 та шахс, Тошкент шаҳарда 9 185 та ҳуқуқбузарлик ишларидан 10 922 та шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари тугатилган.

Юқорида кўриб ўтилганлардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, бугунги кунда ҳар бир ривожланган ёки ривожланаётган мамлакатда бўлгани каби Республикаимизнинг ҳам муҳим тараққиёт йўли мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворга эга бўлган ҳамда ўзида фуқаролик жамиятининг олий даражасини намоён этган, мустаҳкам қонунчиликка асосланган давлатни қуриш тамойилларига асосланади. Профилактика инспекторига бириктирилган маъмурий ҳудудда бошқа ҳудудда яшовчи ҳуқуқбузар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолларда ушбу шахсни ушлаб туриши ва судга олиб бориш билан боғлиқ қийинчиликлар мавжуд. Хусусан, ҳуқуқбузарларни ушлаб туриш учун маҳалла ҳуқуқ тартибот масканида махсус хоналар ва техник жиҳозлар ажратилмаган. Мазкур муаммоларнинг олдини олиш учун маҳалла ҳуқуқ тартибот масканида махсус изоляторларни ташкил этиш ва уларни зарур техник воситалар билан жиҳозлаш<sup>5</sup> мақсадга мувофиқ.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/97664>

<sup>5</sup> Джалилов Н. Профилактика инспектори маъмурий иш юритиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 12/С. – С. 348-352.



ITALY

## SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM

International scientific-online conference



ITALY

2. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 июлдаги “Экология ва жамоат тартибини сақлаш соҳаларидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-854-сонли Қонуни. Электрон манба: [https://lex.uz/docs/6530788?ONDATE= 13.10.2023%2000# 6530981](https://lex.uz/docs/6530788?ONDATE=13.10.2023%2000#6530981)
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича қўшимча чоратадбирлар ҳақида”ги қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/ru/docs/5500086>
4. Раҳмонов Р., Акбаров Ж. Профилактика инспекторлари фаолиятида ахборот-таҳлил ва режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари //Наука и технология в современном мире. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 341-344.

